

УДК 622.692.24

## ХЎЖАОБОД ЕР ОСТИ ГАЗ ИНШООТИ ҚУДУҚЛАРИДА САҚЛАНАДИГАН ГАЗ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

<sup>1</sup>Муродов Абдулазиз Илҳом ўғли - докторант. E-mail: [murodov\\_8600@mail.ru](mailto:murodov_8600@mail.ru). тел: +998903578600

<sup>2</sup>Хабибуллаев Saidaziz Shoxsuvorovich - т.ф.ф.д., PhD. E-mail: [xabibullayev.saidaziz@rambler.ru](mailto:xabibullayev.saidaziz@rambler.ru)

<sup>1</sup>Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти. Қарши ш. Ўзбекистон Республикасы.

<sup>2</sup>И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университеті. Тошкент ш. Ўзбекистон. :

**Аннотация.** Тадқиқотнинг мақсади газни ер ости саклаш иншооти қудуқларида сақланадиган газларни ҳажмини ҳайдовчи қудуқлар сонини ошириши эвазига ошириши усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқши. Ер ости газ саклаш иншоотларини тўғри ва самарали ишлатишни ташкил қилиши учун қудуқлар қудуқлар сонини макбуллаштириши катта ахамият касб этади. Мақолада Хўжаобод ГЕОСИ мисолида қудуқлар сонини ошириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек Хўжаобод газни ер ости саклаш иншоотларида саклаш иншоотининг XX-XXI-XXII горизонтларидағи ҳайдовчи-эксплуатациян қудуқларини бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** газни ер остида саклаш иншоотлари, газодинамик тадқиқотлар, ҳайдовчи-эксплуатациян қудуқлар, қудуқ туби, отқинга қарши қурилма, қум тиқинлари, желонка, кольтюбинг технология, насос компрессор қувурлари, қудуқларни тубини ювиш, босим кўрсаткичлари, технологик жараён, винтли қудуқ туби двигатели, ротор, пикадолота.

*The purpose of the study is to develop recommendations on ways to increase the volume of gases stored in the wells of the underground gas storage facility by increasing the number of driving wells. Optimizing the number of wells is of great importance in order to organize the correct and efficient use of underground gas storage facilities. The article elaborates recommendations on increasing the number of wells on the example of Khojaabad GEOSI. Also, recommendations were developed for the pilot-exploitation wells in the XX-XXI-XXII horizons of the Khojaabad gas underground storage facility.*

**Key words:** underground gas storage, gas-dynamic studies, injection-production wells, bottomhole, anti-blowout equipment, sand plugs, coiled tubing technology, pump compressor pipe.

Дунёning ривожланган мамлакатларида ёқилғи энергияларига бўлган эҳтиёж ортиб борган сари уларни захирасини йиғиши ҳам зарур бўлиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётини ўсишида ва аҳоли ҳаётини яхшиланиши учун нефть ва газ арzon энергия манбаъаси ҳисобланади. Юртимизда Қорақалпогистонда қуриб ишга туширилган QK “UzKorGas” OAJ заводида газдан турли полимер маҳсулотлар олиниши четдан пластик ва полимер маҳсулотларни импортини сезиларли даражада камайтириб, мамлакат иқтисодиётига катта ҳисса қўшяпти. GTL технологияси яратилгач, метан газидан юқори сифатли бензин ва дизел ёқилғилари олина бошланди. Бу технология асосида 2016 йилдан бошлаб “Oltinyo’l GTL” MChJ компанияси қурилиши бошланган бўлиб, ҳозирги кунга келиб завод ўз ишини бошлади ва бунда 2000 дан зиёд мутахассисларни иш билан таъминланишига эришилади.

Бундай катта лойиҳалар учун катта ҳажмдаги газ керак бўлади, шунинг учун “O’zbekneftgaz” AJ томонидан ишлаб чиқилган аниқ ва мукаммал режалар асосида газ қазиб олиш миқдорини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Республика бўйлаб аҳолининг турли об-ҳаволи минтақаларда яшashi айниқса, қиши мавсумда табиий газга бўлган эҳтиёжни ошириб юборади. Бу эса газни транспорт қилиш билан шуғулланувчи “Uztransgaz” AJ ва таъминоти билан шуғулланувчи “Hududgaz” AJ тизимида қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади. Магистрал қувурлар линиясидаги тасодифий авариялар, сиқув компрессор станцияларидан техник тўхталишлар, конларда газ қазиб олиш суръати камайиб

кетиши каби муаммолар туфайли аҳолини табиий газ билан таъминлашда узилишлар пайдо бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида газни ер остида сақлаш иншоотлари (ГЕОСИ) барпо этилади (1-расм) ва улардан фойдаланилади. [1] Газни сақлаш, дастлаб, гази қазиб олиб бўлинган ўюмларга газни юқори босимда ҳайдаш ҳисобига амалга оширилган.



1-расм. Газни ер остида сақлаш иншооти ташкил қилиниши усуллари

Ўзбекистон Республикасида газни ер остида сақлаш иншооти учта бўлиб, Шимолий Сўх ГЕОСИ 1978 йилда қурилган. Газли ГЕОСИ 1988 йилда қурилган. Учинчи ГЕОСИ Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида жойлашган бўлиб, ҳозирги кунда 64 та қудуклари мавжуд.[2] 2019 йилда тузилган янги лойиҳага кўра газ сақлаш ҳажмини 1,0 млрд м<sup>3</sup> гача етказиш кўзда тутилган бўлиб, қўшимча 10 га яқин қудук бурғилаш режалаштирилган. Хўжаобод ГЕОСИ худудида лойиҳага кўра 2021 йил октябрь ҳолатига битта янги қудук бурғиланиб тутатилди. Қудук устки ускуналари ўрнатилгач, шу йилнинг ўзида яна иккита қудук бурғилаш учун ишлар бошлаб юборилиши режалаштирилган.

2019-2020 йиллар олиш мавсумида XX - XXII горизонтлардан 490,7 млн.м<sup>3</sup> ҳажмдаги газ эксплуатацион фонд томонидан 32 та қудуқдан қазиб олинди. Бироқ, таъкидланганидек, ҳозирги вақтда XX-XXII горизонтларнинг эксплуатацион фондида 10 та қудук (828,829,831,832,836,838,840,843,852,853-кк)да ишлатиш колоннасининг қисилиб торайганлиги уларнинг циклик ишлашини мураккаблаштиради. Шу муносабат билан санаб ўтилган қудуқларни актив газ ҳажмини ошириш учун XIX горизонтга ўтказиш тавсия этилади. Хўжаобод ГЕОСИнинг қуий иншоот (XX-XXII горизонтлар) эксплуатацион фондини мавжуд даражада сақлаб туриш учун (32 та қудукни) XIX горизонтга ўтказилган қудуқлар ўрнига 10 та янги қудуқларни бурғилаш тавсия этилади. [2].

XX – XXII горизонт қудуқларининг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот келтирилган.

1-жадвал

#### **XX-XXII қатламларга бурғилиниши ва XIX қатламга ўтказилиши керак бўладиган қудуқларнинг кетма-кетлиги**

Йил	Қудуқлар сони	№№ қудуқ
XX-XXII горизонтга бурғиланувчи қудуқлар		
2019	3	883, 884, 888
2020	7	885, 886, 887, 889, 890, 891, 892
Қудуқларни XIX қатламга ўтказилиши		
2019	3	852, 838, 840
2020	7	828, 853, 846, 836, 832, 831, 830


Ҳозирги кунда Хўжаобод ГЕОСИ уни ташкил қилишда тасдиқланган 2-loyihcha ва унга киритилган тузатишларга мос равишда ишлатилиб келинмоқда. Хўжаобод ГЕОСИ портлашга хавфли объект ҳисобланади. Унинг қудуқлардан газни йигиш ва ташишнинг ҳақиқий схемаси 1-расмда келтирилган. Ушбу технологик схема ГЕОСИ нинг ҳайдаш ва қазиб олиш даврида тўғри ишлашни таъминлайди.

ГЕОСИнинг лойиҳавий қатлам босими – 250,0 кгс/см<sup>2</sup>;

ГЕОСИнинг лойиҳавий кунлик қазиб олиш микдори – 9,0 млн.м<sup>3</sup>.


Янги бурғиланувчи қудуқларни шундай жойлаштириш керакки, улар ўзидан бошқа XX-XX2-горизонт қудуқлари билан газни қабул қилиш бошланганда, газни тенг тарқалишини таъминлаши зарур. Бундан ташқари қудуқларни бурғиланиш нуқталарини белгилашда,

қудуклар ишининг фактик схемасида келиб чиққан ҳолда, ётқизилган газ қувурлари устидан, ёнидан ўтмайдиган худудларда бурғилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Газтақсимлаш цехларидан то қудукларгача тортилган газ қувурлари Хўжаобод ГЕОСИни қуриш лойиҳасида келтирилганга нисбатан амалда фарқлидир. Шунинг учун аввало ер участкасида газ қувурлари линияларини ётишини схемасини тайёрлаб олиб, сўнгра қудуклар бурғилаш учун нуқталар белгиланади. Ўрганилган маълумотлар асосида бурғиланиши зарур қудукларни жойлашиши қўйидаги расмда белгиланган.



2-расм. XX-XXII қатламни ГЕОСИ режимида ишлатиш учун лойиҳавий қудукларни жойлаштириш режаси

Табиийки, қудуклар сони қўпайтирилиши билан газни тақсимлаш цехларига юклама тушади. Уларнинг лойиҳавий кунлик газ тақсимлаш ва қазиб олиш имконияти  $9,0 \text{ млн м}^3$ . Бу муаммони ҳал қилиш учун 3-газни тақсимлаш цехини қуриш ва қудукларни бир хил мувозанатда тақсимлаш зарур бўлади. Масалан, янги қудуклар бурғилангач, эксплуатацион фонд 72 та қудукка етади. Уларни ўртача 24 тадан цехларга бўлиб чиқиши мақсадга мувофиқдир [3].



3-расм. Газни қазиб олиш даврида Хўжаобод ГЕОСИдан йигишиш, тайёrlаш, сиқишиш ва ташиши тизими бўйича технологик схема

Уларни жойлашиш ўринларини қўйидаги схемада кўрсатилган. 3-газни тақсимлаш цехини жойлаштиришда ўзига бириктириладиган қудуклар майдонининг ўртасида бўлиши, цехгacha тортилиши зарур бўладиган газ қувурларига кетадиган сарф ҳаражатларни камайтиради.

XX-XXII горизонтларнинг жорий эксплуатацион фондидаги 32 та қудукда фильтрлар цементлашларсиз туширилган ва объект муаллақ турган 50-200 метр узунлиқдаги фильтр-

колонналар орқали ишламоқда. Бундан ташқари Хўжаобод ГЕОСИнинг бундан олдинги циклик ишлатиш даврида 13 та қудуқда ( 828, 829, 831, 832, 836, 838, 839, 840, 844, 846, 847, 852, 853 қудуқлар) фильтрларнинг юқори қисмида XXII горизонт интервалларида бутунлай ёпилиб қолиши ва XXI горизонт интерваллари колоннасининг 2/3 қисми қисилиб қолиши юзага келган. Газни қазиб олишни нисбатан актив зоналарида, айниқса қатламдан қумли суюқлик келадиган жойларда фильтрнинг абразив-коррозион емирилишлар юзага келган.

2-жадвал

**Хўжаобод ГЕОСИнинг актив газ ҳажмини 1050,0 млн м<sup>3</sup> да ишлатишида асосий параметрлар**

Параметрлар	Кўрсаткичлар		
	XIX гор.	XX-XXII гор.	Бутун ГЕОСИ бўйича
Актив ҳажм, млн.м <sup>3</sup>	600,0	450,0	1050,0
Буфер ҳажм, млн.м <sup>3</sup>	600,0	550,0	1150,0
Максимал қатлам босими, кгс/см <sup>2</sup>	229,49	231,34	
Минимал қатлам босими, кгс/см <sup>2</sup>	119,2	127,89	
Эксплуатацион қудуқлар сони	40	32	72
Максимал кунлик қазиб олиш, млн. м <sup>3</sup>	4,9	5,3	10,2
Максимал кунлик ҳайдаш, млн. м <sup>3</sup>	6,2	4,7	6,2
Қазиб олиш мавсумнинг давомийлиги, сут.	161	161	161
Ҳайдаш мавсумнинг давомийлиги , сут.	102	102	204

XX-XXII горизонтларнинг колоннаси қисилган қудуқларининг газни ҳайдаш ва олиш мавсумида самарасиз ишлаётганларини, 1-босқич (XIX-қатлам) га ўтказиш бўйича тавсия этамиз. Улардан учтаси (839, 844, 847 қудуқлар) XIX-қатламга ўтказилган. Қолган қудуқлар эса янги қудуқлар бурғиланишибилан босқичма босқичиши керак бўлади [4].

Бажарилган ушбу ишда Хўжаобод ГЕОСИда газ сақлашнинг умумий ҳажмини 1050,0 млн м<sup>3</sup> гача ошириш имкониятирини асослаб беришга харакат қилинган.

**Хулоса.** XIX горизонтда қазиб олиш мавсумида актив ҳажмни 600 млн. м<sup>3</sup> гача ошириш учун буфер ҳажмни 600 млн м<sup>3</sup> га етказиш керак ва эксплуатацион-ҳайдовчи фонд қудуқлари 40 та қудуқлардан иборат бўлиши керак. Бу фондга эришиш учун колоннаси қисилган қудуқларни юқори қатламга ўтказиш керак ва ўрнига кетма-кет янги қудуқларни бурғилаш керак.

Қудуқлар ва газ тақсимлаш цехлари (газ йиғиш пункти) орасида газни ҳайдаш ва қазиб олиш мавсумида шлейфларида гидравлик йўқотишларни камайтириш мақсадида 3-ГТЦ (ГИП) қуриш талаб этилади. Бунинг эвазига мавжуд 2 та ГИП лардаги юклама камаяди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Зиновьев Л.М. Подземное хранение газа – курс лекций – Ставрополь, Изд-во СКФУ, 2016.
2. Ҳабибуллаев С.Ш., Буронов М.Д. Газни сақлаш обьектларини лойиҳалаштириш ва қуриш. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020. – 46-50 б.
3. Интернет ресурсы. <https://neftegaz.ru/tech-library/burovye-ustanovki-i-ikh-uzly/141498-sposoby-likvidatsii-peschanykh-probok-v-skvazhinakh/>
4. Технический паспорт. Винтовой забойный двигатель Д-105.5.18. IDT, Пермь-2019
5. Правила безопасности при геологоразведочных работах. [Зарегистрированы Министерством юстиции Республики Узбекистан от 29 января 1997 г. Регистрационный № 304], пункты 5.3.